

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2017  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>О.АҲМАДЖОНОВА</b>	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар .....	64
<b>М.ЖУРАЕВА</b>	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси .....	66

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.ТОШХЎЖАЕВА</b>	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи .....	69
<b>Э.ИБРАГИМОВА</b>	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши .....	73
<b>Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА</b>	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги .....	77
<b>В.АМАНОВ</b>	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш .....	80
<b>Д.ЮЛДАШЕВА</b>	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари .....	83
<b>Н.ҒОФУРОВА</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари .....	86
<b>Г.ЖУРАБОЕВА</b>	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни .....	88
<b>Р.АХРОРОВА</b>	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари .....	92

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА</b>	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари .....	95
<b>Ҳ.ҒАНИЕВА</b>	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти .....	98

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.АБДУМАННОПОВ</b>	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала .....	103
<b>Ш.ОХУНЖОНОВА</b>	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида .....	106
<b>М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА</b>	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари .....	109
<b>О.ҲУСАНХЎЖАЕВ</b>	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти .....	111
<b>Н.УРИНОВА</b>	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари .....	113
<b>Н.АБДУЛАЗИЗОВА</b>	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари .....	115

#### ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим .....	116
---------------------------	-----

#### ХОТИРА

<b>Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ</b> .....	117
<b>Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ</b> .....	117

## КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК- ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Н.Абдулазизова

### Аннотация

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олиш омиллари келтирилган.

### Аннотация

В статье приведены факторы профилактики вредных привычек у учащихся профессиональных колледжей.

### Annotation

Indications of prophylaxy of bad habits of college of students are described in the article.

**Таянч сўз ва иборалар:** саломатлик, соғлом турмуш тарзи, зарарли одат, компьютермания, телефонмания, иммунитетни шакллантириш, ўсмир, ахлоқий тарбия, жисмоний ва маънавий ривожланиш, ўсмир психикаси, саломатлик омиллари.

**Ключевые слова и выражения:** здоровье, здоровый образ жизни, вредные привычки, кампьютеромания, телефонмания, укрепление иммунитета, подросток, нравственное воспитание, физическое и духовное развитие, подростковая психика, факторы здоровья.

**Key words and expressions:** health, mode of life, harmful habits, computermania, telephonomania, development of immunity, teenager's moral development, physical growth and development, psychology of a teenager, factors of health.

Касб - ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатлар ва уларнинг инсон организмга таъсири ҳақида мукамал тушунчалар бериш жараёнида қуйидаги асосий масалаларга эътибор қаратилади: зарарли одатларга берилишнинг олдини олиш бўйича огоҳ бўлиш; саломатликка қарши хавфли томонлари; зарарли одатлар (чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, компьютер ва телефонмания)нинг рўй бериши ва авж олиши; соғлом организмнинг наркотикларга жавоб реакцияси, профилактик ишлар, санитария хизмати, салбий хусусиятларни бартараф қилиш учун тадбир ва муҳокамалар ўтказиш лозим [2.98-99].

Ўқувчилар ўртасида тез ва кенг тарқалган уяли алоқа телефони орқали мулоқот қилишнинг катта ҳажмда ва гигиеник нормалардан ортиқча бўлиши ўсиб келаётган организмга жисмоний ва руҳий таъсир ўтказмоқда. Шу қаторда кундалик ҳаётда кўп вақт компьютер билан ишлаш ёшларнинг

қўриш ва эшитиш сезги органларига ҳамда нерв фаолиятига салбий таъсир этмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг Интернет кафеларда компьютер қаршида ўтириб кунларини ўтказиши сир эмас. У ерда ёшларимиз нималарни ўрганапти? Улар бизнинг миллий менталитетимизга ёт бўлган, беҳаё, жангари, инсонда агрессив ҳолатларни кучайтирадиган кинофильмлар томоша қилмоқда, ҳар хил ўйинларнинг иштирокчисига айланмоқда. Кейинги ойларда ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган виртуал ўйин – “Кўк кит” деган ташвишли ибора пайдо бўлди. Бугун бу иборани эшитган ота-она борки, сесканиб – чўчиб тушиб, боласига бир қараб олади. Инсон ўз танасига оғриқ етказишдан чўчимасдан ўзини тайёрлашга қодир бўлса, албатта, бир нечта босқичдан сўнг эллигинчи топшириқни ҳам бажаришга тайёр бўлади. Ўсмир руҳиятига таъсир этиш куруқ сўзлар, панд-насихатлар билан эмас, балки ҳар хил йўналишдаги видео-тасвирлар, шеърлар, расмлар, мусиқа ҳамда қўшиқлар билан амалга оширилади.

### Адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2009.
2. Шарипова Д.Ж. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш – Фарғона, 2010.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).

Н.Абдулазизова – ФарДУ педагогика кафедраси катта ўқитувчиси.